

# АЛЛОХ

## ФАЗАБЛАНГАН ТОИФАЛАРЫ



Ахборот замонидаги турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиб мухим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, экстремизм ва терроризмнинг асл мазмун-моҳияти, нохуш оқибатлари ва Ислом дини таълимотларида бундай ҳаракатлар қаттиқ қораланишига оид маълумотлар қўйида баён этилади.

### ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?

**ЭКСТРЕМИЗМ** (лотинча – “акл бовар қилмас даражада”, “ҳаддан ошиш”) жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган, кескин радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш диний экстремизмга олиб келади.

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ** – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

**ТЕРРОРИЗМ** (лотинча – “қўрқитиш”, “ваҳимага солиш”) – аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотиш, жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига қаратилган жиноий фаолиятдир.



## ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯ ВА ҚАРАШЛАР ПАЙДО БҮЛИШИННИНГ САБАБИ НИМАДА?



«Қачонки исталган кимсанинг нобоп фикри фатво деб қабул қилинаверар экан, биз ислом ҳуқуқининг мўътадиллигини сақлаш ва мутаассиблик устидан ғолиб бўлишида энг муҳим воситани қўлдан бой бериб қўямиз».

Миср муфтийси Шавқий Аллом,  
«Дунё уламолари мурожаати» китобидан.



**ЭКСТРЕМИЗМ КЕЛИБ ЧИҚИШИННИНГ АСОСИЙ САБАБИ  
БУ – МУТААССИБ** фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир.  
Шунингдек, унинг асосида илмсизлик ётади!

**МУТААССИБЛИК** – муайян ғояларнинг тўғри эканига кўр-кўрона қаттиқ ишониш ва уларга ҳаддан зиёд берилиш, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирмә ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда келиб чиқсан турили дин ва йўналишлар орасидаги низо ва тўқнашувларнинг асоси бўлган. Айни пайтда диний ва дунёвий билимларнинг саёзлиги, соғ диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик, ёшларни экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишига бош сабабdir!



**“КИМ ҲАҚ ЙЎЛНИ АНИҚ  
БИЛГАНИДАН КЕЙИН ПАЙҒАМБАРГА  
ХИЛОФ ИШ ҚИЛСА ВА МҮМИНЛАРНИНГ  
ЙЎЛЛАРИДАН БОШҚА ЙЎЛГА ЭРГАШИБ  
КЕТСА, БИЗ УНИ КЕТГАНИЧА ҚЎЙИБ  
БЕРАМИЗ. СЎНГРА ЖАҲАННАМГА ДОХИЛ  
ҚИЛАМИЗ. НАҚАДАР ЁМОН ЖОЙДИР У!”**

(Нисо сураси, 115-оят).



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, экстремизм ва терроризм дин танламайди, балки маълум бир соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини бузиш натижасида вужудга келади.



### **ЭКСТРЕМИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КЕНГ ТАРМОҚ ОТИШИННИНГ САБАБИ НИМАДА?**

Дарҳақиқат ҳозирда экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. **Аввало, барча экстремистик ташкилотлар учинчи давлатлардаги тадқиқот марказлари, таъбир жоиз бўлса “ғоявий лаборатория”лар маҳсули эканини унутмаслик лозим.** Шу ўринда, экстремистик оқимларни бажарадиган функцияларига кўра шартли равишда 3 гурухга бўлиш мумкин:

**Биринчи гурухга** кирувчи ташкилотларнинг асосий “вазифа”си бу одамларни гўёки “исломлаштириш” ва “тақвога чақириш”дан иборат. Бундай гурухлар қаторига “Таблиғчилар” ташкилотини киритиш мумкин.

**Иккинчи гуруҳдаги** ташкилотларнинг вазифаси эса, “исломийлаштирилган” тоифани мутаассиб ғоялар сингдирилган, муайян ғоя ва раҳнамога сўзсиз эргашадиган “кадр”лар сифатида тайёрлашдир. Бундай гурухлар қаторига “Нурчилар” ва “Ҳизб ат-тахрир” каби экстремистик ташкилотларни киритиш мумкин.

**Учинчи гуруҳдагилар** эса юқоридаги ташкилотлар томонидан тайёрланган кишиларни “исломий давлатни қуриш учун жиҳодни амалга ошириш”га сафарбар этиш билан шуғулланади. Бу гурухга барча террорчи ташкилотлар киради.



## ЭКСТРЕМИСТИК ҲАРАКАТЛАР ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРНИ КҮЗЛАБ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ?

Экстремистик рухдаги террорчи ташкилотларнинг **стратегик мақсадлари**, аввало, **гүёки**, “**шариатга асосланган давлат тузиш**” бўлиб, бу бир неча босқичда амалга оширилиши режалаштирилган.

**Биринчи босқичда** аҳолини кенг кўламда гўё “исломийлаштириш” назарда тутилади. Бунда, аввало, **диний илми саёз бўлган кишиларда** исломнинг фарзларига амал қилиш лозим, бу ишларни бажармаганлар мусулмончиликдан чиқади, каби ғоялар уқтирилади. Шу билан бирга, **яширин “хўжралар” ва вертуал “гуруҳ”лар тузиш** ва унда ўқиётгандарга, диний таълим ниқоби остида, ўз қараашларини сингдириш ишлари олиб борилади. Бир қараашда бундай “даъват”дан ҳеч кимга ҳеч қандай зарар йўқдек кўриниши мумкин. Аслида эса бу “чукур ўйланган стратегия”нинг бир қисмидир.

**Иккинчи босқичда** энди “исломийлаштирилган” тоифада ҳукumat, мавжуд конституциявий тузум, расмий диний тузилмалар ва уламоларга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва шу орқали ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш кўзланади.

**Учинчи босқичда** эса аҳоли орасида айниқса, ижтимоий тармоклар “такfir” (мусулмонни куфрда айблаш), “хижрат”, “жиход”, “шахидлик”, “ислом диёри” ва “куфр диёри” каби тушунчаларни **бузилган талқинини кенг тарқатиш**, аъзоларга экстремистик рухдаги адабиёт, видео ва аудио материалларни етказиш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш асосий мақсад хисобланади.

Ва ниҳоят, **тўртинчи босқичга** келиб, тўпланган “жамоат”ни мавжуд ҳукumatни ағдариш ва “ислом давлатини” тузишга даъват этилади. Бунда, “жиход” ва “шахидлик” ғояларини амалда татбиқ этишга тарғиб қилиш, яширин тузилган гуруҳларни маҳсус (даъват, қўпорувчилик ва ҳ.к.) тайёргарликдан ўтказиш, аёллардан иборат ячейкаларни кучайтириш ва охир-оқибат террор воситаларидан фойдаланган ҳолда “мақсадга эришиш” кўзланади.



## ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТЛАР ҚАНДАЙ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРГА ТАЯНАДИ?

**ЗАМОНАВИЙ  
ТЕРРОРИЗМ ХИЛМА-  
ХИЛ МОЛИЯВИЙ  
МАНБАЛАРДАН ОЗИҚ-  
ЛАНИШИ ҲИСОБИГА  
ФАОЛИЯТ ҚАМРОВИНИ  
КЕНГАЙТИРИШГА, МОД-  
ДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИ-  
НИ МУСТАҲКАМЛАШГА  
ХАРАКАТ ҚИЛМОҚДА.**

**ТЕРРОРЧИ  
ТАШКИЛОТЛАРНИ  
ОЗИҚЛАНТИРИБ  
ТУРУВЧИ АСОСИЙ  
МОЛИЯВИЙ МАНБА-  
ЛАР ҚҮЙИДАГИЛАР  
ҲИСОБЛАНАДИ:**

**ОЧИК, РАСМИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ  
ТУЗИЛМАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР**



**УЮШМА АЪЗОЛАРИ ТЎЛАЙДИГАН БАДАЛЛАР**



**НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛ-ЯРОФ САВДОСИ**



**КИДНЕППИНГ (ОДАМЛАРНИ ТОВОН ПУЛИ  
УНДИРИШ МАҚСАДИДА ЎҒИРЛАШ)**



**ҖАРОҚЧИЛИК ВА БОСҚИНЧИЛИК**



**НАРКОБИЗНЕС**



**Шу БИЛАН БИРГА, ТЕРРОРЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ АЙРИМ  
ЙИРИК ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН МОЛИЯЛШТИРИЛИБ  
ТУРИЛИШНИ ҲАМ АЛОХИДА ҚАЙД ЭТИШ ЛОЗИМ**



### АЗИЗ ЁШЛАР, ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ИСЛОМГА ХЕЧ ҚАНДАЙ АЛОҚАСИ ЙҮҚ!

#### ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА АЛ-АЗҲАР КОНФЕРЕНЦИЯСИННИНГ «АЛ-АЗҲАР ХАЛҚАРО БАЁНОТИ» НОМЛИ ЯКУНИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯСИДАН

Ўзларига динни байроқ қилиб олиб, уммат фарзандларига нисбатан зўравонлик ва террор амалиётидан фойдаланаётган қуролланган фирмә, жамоа ва турли хилдаги гурухларнинг асл исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аслида, уларнинг қарашлари бузғунчи, тутган йўллари эса гуноҳ ботқоғидир. Зеро, аҳолининг тинчлигини бузиш, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш, уларнинг шаъни ва мол-мулкига тажовуз қилиш, диний қадриятларини топташ инсониятга зид бўлган жиноятлар бўлиб, Ислом дини бу каби амалиётларга бутунлай қаршидир.

**«Ал-Азҳар» халқаро баёномоти**



## АСЛ ҚИЁФА!



Юқорида қайд этилганидек, экстремистик ташкилотларнинг аксарияти ўз номини муқаддас Ислом дини билан боғлашга уринади. Улар ўзларини “нажот топган гурӯҳ” қолган мусулмонларни эса “коғир” ҳисоблайди. Аслида-чи? Аслида ҳам шундайми? Йўқ, албатта!

«Ислом» сўзининг луғавий маъноларидан бири “тинчлик”дир, динимиз њеч қачон бузғунчиликка, қотилликка ундамайди. Замонавий экстремист ва террорчилар эса бузғунчилик, қотиллик ва одамларни даҳшатга со-лишни ўзининг вазифаси деб билади.



Куръони каримда бегуноҳ одамларнинг жонига қасд қилиш қораланиб, жумладан “Нисо” сурасининг 93-оятида Аллоҳ таоло шундай хитоб қиласди:

**“КИМДА-КИМ ҚАСДАН БИР  
МЎМИННИ ЎЛДИРСА, УНИНГ ЖАЗОСИ  
ЖАҲАННАМДА АБАДИЙ ҚОЛИШДИР.  
ЯНА УНГА АЛЛОҲ ҒАЗАБ ҚИЛГАЙ,  
ЛАЪНАТЛАГАЙ ВА УНГА УЛКАН  
АЗОБНИ ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙГАЙ”.**

Ҳадисларда ҳам бу борада кўплаб хабарлар келган. Жумладан, Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Аллоҳ таолонинг наздида бир мусулмон кишининг ноҳақ қатл этилишидан кўра, ёруғ дунёнинг барбод бўлиб кетиши енгилроқдир”, – деганлари ривоят қилинган.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, экстремизм ва терроризмнинг АСЛ ҚИЁФАСИНИ очиб беради ва мазкур ҳаракатларнинг нафақат дунёвий қонун-қоидалар, балки Ислом дини асосларига ҳам мутлақо зид эканини кўрсатади.



## НАЖОТ ТОПГАН ЖАМОА!

**Аҳли сунна вал жамоа** “Суннатга амал қилувчи ва жамоатга эргашувчи кишилар”, деган маънони англатади.



Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**“НАБИЙ СОЛЛАЛОХУ АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМ:  
“ЯҲУДИЙЛАР ЕТМИШ БИР ЁКИ ЕТМИШ ИККИ  
ФИРҚАГА БЎЛИНДИЛАР. НАСОРОЛАР ЕТМИШ  
БИР ЁКИ ЕТМИШ ИККИ ФИРҚАГА БЎЛИНДИЛАР.  
МЕНИНГ УММАТИМ ЭСА ЕТМИШ УЧ ФИРҚАГА  
БЎЛИНАДИ», ДЕДИЛАР».**

Бошқа ривоятда:

**«ЕТМИШ ИККИТАСИ ДЎЗАХДА, БИТТАСИ  
ЖАННАТДА. У – ЖАМОАТДИР»** ибораси зиёда қилинган.

Аҳли сунна вал жамоа – ислом тарихининг барча даврларида мусулмонларнинг катта қисмини ташкил қилган. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва суннатларини маҳкам ушлаган дин пешволари бўлмиш саҳобалар, тобеъинлар ва тўрт мўътабар фиқҳий мазҳаб имомлари йўлларига эргашган жамоадир. Аҳли сунна вал жамоа мазкур улуғларнинг йўлини нақл ва муттасил иснод (офизма-офиз эшитиш) билан қабул қилиб олганлардир.

Билиб қўйинг! Аҳли сунна вал жамоа вакилларининг барчаси муҳим ақидавий масалаларда бир хил эътиқод қиласди! Гарчи уларнинг ифода услублари, яъни этиқодларини баён қилиб бериш услублари хилма-хил бўлса-да ҳаммасининг мақсади бир хилдир!

«Аҳли сунна вал жамоа» деганда тўрт тоифа – аҳли ҳадислар, сўфиylар, ашъарийлар ва мотуридийлар тушунилади!

«Аҳли ҳадис» деганда фиқҳий ҳанбалий, «кашъарийлар» деганда асосан шофеъий ва қисман моликий мазҳаби вакиллари назарда тутилади. «Мотуридий» деганда асосан, ҳанафийлар ва қисман моликий ва ҳанбалийлар тушунилади. «Аҳли виждан» деганда эса, ҳақ йўлдаги мўттадил тариқатчилар тушунилади.

**ШУНДАЙ ЭКАН, ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ  
КУРАШДА БАРЧАМИЗ ЎЗ БУРЧИМИЗНИ ҲИС ЭТИШИМИЗ, ОГОХ  
БЎЛИШИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРИМИЗ ВА ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ  
УЧУН МАСЪУЛ ЭКАНИМИЗНИ УНУТМАСЛИГИМИЗ ЛОЗИМ!**



## ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАР ФАОЛИЯТИГА ҚОНУНИЙ БАХО:

Экстремистик оқимлар фаолиятида турли шаклларда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қуйидаги моддалари асосида жиноий жавобгарликтарга олиб келади:

- **154-1-модда.** Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш;
- **156-модда.** Миллий, ирқий, этник ёки диний адват қўзғатиш;
- **159-модда.** Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш;
- **216-модда.** Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш;
- **216-1-модда.** Файриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш;
- **216-2-модда.** Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш;
- **244-1-модда.** Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, саклаш, тарқатиш ёки намойиш этиш;
- **244-2-модда.** Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш;
- **244-3-модда.** Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равиша тайёрлаш, саклаш, олиб кириш ёки тарқатиш;
- **246-модда.** Контрабанда (... диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш).



Диний-маърифий сайт ва ижтимоий тармоқлар рўйхати



Жаҳолатга қарши маърифат йўналишидаги маълумотлар базаси

Шаръий савол-жавобларга ихтисослашган сайtlар, ижтимоий тармоқлар, ботлар ва Кол-марказ: **(78) 150-33-44,** **Fatvo.uz, savollar.muslim.uz,** <https://t.me/diniysavollar>, <https://t.me/muminalaruzb>



Муфтий Нуриддин домла ҳазратларининг "Исломда ватан тушунчasi" китоби



Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг "Дин насиҳатдир" китоби



«Хизбут-тахрир» фитнасидан огоҳлантириш» номли китоб



"Ихтилофлардан сакланайлик"



Электрон китоблар



"Оилада фарзанд тарбияси" (1-3)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 27 декабрь санасидаги 9784 – сонли холосаси асосида тайёрланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

# ИНТЕРНЕТДАГИ ТАХДИДЛАРДАН ОГОХ БҮЛИНГ!



Бугунги мураккаб даврда Интернетда фойдали маълумот билан бирга зарарли ахборот ҳам кенг тарқалмоқда. Айниқса, имон-эътиқодга раҳна солувчи, дину диёнатга путур етказувчи ва инсонни залолатга бошлайдиган материаллар авж олмоқда.

Айниқса, экстремистик оқимлар ёшларни мутаассиблаштириш ва уларнинг онгига бузғунчи қарашларни сингдириш ҳолатлари кучаймоқда. Бундай қалтис вактда ёш авлодда ақидапарааст ғояларга қарши мағкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ва уларни ғоявий хатарлардан огоҳ этиш долзарб вазифа бўлмоқда.

Шу боис, экстремистик хуружлар хусусиятлари, шундай таҳдидлардан ҳимояланиш йўллари, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш одоблари, оқимлар фаолиятига қонуний баҳо каби-ларни мухтасар шаклда баён этиш орқали халқимизни, айниқса, ёшларни замонавий хатарлардан огоҳ этишини лозим топдик.

## ЭКСТРЕМИСТИК ХУРУЖЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ



**– ДЕЗИНФОРМАЦИЯ (ёлғон ахборот тарқатиш)** – бу усул орқали маҳаллий уламоларни асоссиз маълумотлар билан обрўсизлантириш орқали уларга бўлган ишончни сусайтириш;



**– МАНИПУЛЯЦИЯ (омма онгини бошқариш)** – экстремистик ғоялар орқали ёшлар онгини ўз манфаатларига йўналтириш. Айрим давлатларда содир этилган ғалаёнлар (“рангли инқилоблар”, “араб баҳори”) кўринмас кучлар томонидан манфур мақсадга йўналтирилган ахборот хуружининг оқибатидир;

ОГОХ БҮЛИНГ!



**– РУХИЙ ТУШКУНЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ** – ҳаётда қийналган, турмушда муаммоларга дуч келган кишиларни моддий манфаат эвазига ўз томонларига оғдириш;



**– ИФВОГАРЛИК, МИШ-МИШ ТАРҚАТИШ** – маълум гурухлар ва шахслар томонидан диний соҳадаги ислоҳотлар, диний ташкилотларнинг фаолият йўналишларига, конститутцион тузумга қарши ҳаракатларни уюштиришга тарғиб этиш. Буни уюштириш учун ижтимоий тармоқлар, масалан, “Телеграм” да канал очиш, унда саҳналаштирилган жараёнларни акс эттириш, обуначилар тўплаш ва кейин уларни тўс-тўполонларга чақириш;



**– Ислом динидаги тушунчаларни бузиб талқин этиш.** Жумладан, “хижрат” қилиш, “жиход” да иштирок этиш, “шаҳид” бўлиш даъвосида Сурия ва Ироқ давлатларининг уруш бўлаётган ҳудудларига чорлаш ҳамда “манқурт – жангари” ёки “тирик бомба” га айлантириш;



**– ЎЗЛАРИГА ЭРГАШМАГАН БАРЧА МУСУЛМОНЛАРНИ** ва уларни тўғри ийлуга чақирган ёки қарши чиққан уламоларни куфрда айблаш;



**– МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДА ЮРТ РАҲБАРИГА ҚАРШИ ЧИҚИШ,** мавжуд тузумга бўйсунмаслик ва давлат тўнтишини уюштиришни тарғиб қилиш ҳамда тинч аҳолини жорий ҳукуматга қарши гиж-гижлаш.



## ТАХДИДЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

✓ аввало ҳар қандай ахборот-маълумотни таҳлил қилиш, манбалари, муаллифлари ким эканини билиш ва ундан кейин хулоса чиқариш;

✓ ёшларда хабарлар моҳиятига етиш малакасини ҳосил қилиш. Зоро ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва холис бўлавермайди. Ҳар бир маълумотни текшириш тўғрисида Аллоҳ таоло шундай дейди: “Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб текшириб қўрингиз!” (Хужурот сураси 6-оят);

✓ экстремистик кучлар ўз мақсадини амалга оширишда ҳатто Аллоҳнинг каломи ва Пайгамбар алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини ҳам бузиб талқин қилишдек қабиҳ ишларга алданиб қолмаслик;

✓ юртимиз уламолари, имом-домлалари ва илм аҳллари ҳақида нотўғри маълумот, тухмат ва уйдирмаларни қасддан тарқатилаётгани теран англаш. Чет элларда туриб юртимиз дин пешволари тўғрисида нотўғри, тухмат тарқатадиган шахсларнинг асл қиёфасини билиб олиш;

✓ Фуқароларимиз ватанпарварлиги ва миллий қадриятлар атрофида бирлашишни нотўғри баҳолайдиганлардан сақланиш;



- ✓ Ахборий хатарлар ва бундай таҳдиidlарга қарши чин эътиқод билан туриш ва ёшларда бузғунчи ғояларга қарши раддия бериш қоби-лиятини шакллантириш;
- ✓ Диний материалларда соф диний ақидалардан оғишганлик, дин асосларини нотүғри талқин этиш, динлараро адоват ва нафрат қўзғатиши каби тарқатиш тақиқланган материалларни “улашиш” маъмурӣ ва жи-ноий жавобгарликка олиб келишини унутмаслик керак;
- ✓ Ёшларда медиа макондаги материалларга нисбатан “бу – яхши, бу – ёмон” деган қатъий фикрни пайдо қилиш, яъни мафкуравий имму-нитетни ҳосил қилиш;
- ✓ Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидағи диний ташки-лотлар, соҳа ходимларига оид расмий сайт ва ижтимоий тармоқларидағи ишончли мақолаларни мутолаа қилинг.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ ОДОБЛАРИ

- ✓ Аввало ниятни тўғри ва мақсадли қилинг. Расул алайҳиссалом: «Албатта амаллар ниятга боғлиқдир», деганлар (*И мом Бухорий*).
- ✓ Умр қисқалиги, вақт ғаниматлигини унутманг! Улуғлар: “Вақт қилич кабидир. Агар сен уни кесмасанг, у сени кесади”, деганлар. Барча муваффақиятлар калити вақтнинг қадрига етишдадир.
- ✓ Ким билан дўст бўлаётганингизга эътибор беринг! Набий алай-хиссалом: “Киши дўстининг динида бўлади. Сизлардан бирингиз бир киши билан дўстлашишмоқчи бўлса, (унга) яхшилаб қарасин”, деганлар.
- ✓ Дуч келган, ўзингиз танимаган одамлардан илм олишдан сақла-нинг. Динингизни қайси манбадан, кимлардан олаётганингизга эътибор беринг. Муҳаммад ибн Сирин айтади: «Илм – диндир. Динларингизни кимдан олаётганингизга қаранглар».
- ✓ Ҳар бир ўқиладиган, кўриладиган ва эшитиладиган нарсаларнинг барчаси динимиз рухсат берган нарсалар бў-лиши керак. Одамлар кўрмаса ҳам, Аллоҳ қўриб турганини эсдан чиқармаслик лозим.
- ✓ Ўзгалар билан яхшилик ва тақвода ҳамкорлик қилиш ҳамда ёмонлик ва душманликда ҳамкорлик қил-маслик зарур. Аллоҳ таоло айтади: «Яхшилик ва тақво-йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йў-лида ҳамкорлик қилманг» (*Моуда* сураси, 2-оят).

- ✓ Ижтимоий тармоқлардаги материалларга «лайк» босиш ёки “улашиш”дан эҳтиёт бўлинг. Агар сиз «лайк» босаётган ёки улашаётган чиқишларда ман этилган матери-аллар бўлса, уни бошқаларга тарқалишига сабабчи бўласиз. Бундай иш билан ўзингиз ва яқинларингиз ҳам эътиқодий ҳам жиноий хатарга қўйманг!





## ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАР ФАОЛИЯТИГА ҚОНУНИЙ БАХО:

Экстремистик оқимлар фаолиятида турли шаклларда иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қуидаги моддалари асосида жиноий жавобгарликларга олиб келади:

- 154-1-модда. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматта кириш, ёлланиш;
- 156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш;
- 159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш;
- 216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш;
- 216-1-модда. Гайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш;
- 216-2-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш;
- 244-1-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш;
- 244-2-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш;
- 244-3-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш;
- 246-модда. Контрабанда (... диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш).



Диний-маърифий  
сайт ва ижтимоий  
тармоқлар рўйхати



Жаҳолатга  
қарши маърифат  
йўналишидаги  
мальумотлар базаси

Шаръий савол-жавобларга ихтисослашган  
сайтлар, ижтимоий тармоқлар, ботлар ва  
Кол-марказ: **(78) 150-33-44,**  
**Fatvo.uz, savollar.muslim.uz,**  
<https://t.me/diniysavollar>,  
<https://t.me/muminalaruzb>



Муфтий Нуриддин домла  
ҳазратларининг “Исломда  
вatan тушунча” китоби



Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад  
Юсуф раҳимахуллохнинг  
“Дин насиҳатдир” китоби



«Хизбут-тахрир»  
фитнасидан огохлантириш»  
номли китоб



“Ихтилофлардан сакланайлик”



Электрон китоблар



“Оиласда фарзанд тарбияси” (1-3)



Ўзбекистон  
мусулмонлари идораси

# ХОРИЖГА ЧИҚАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИГА ЭСЛАТМА!

Хурматли, ватандош!  
Хориж мамлакатига  
сафарга чиқмоқчи  
бўлган экансиз, қуида  
баён этиладиган муҳим  
жиҳатларга аҳамият  
беришингизни ва амал  
қилишингизни тавсия этамиз.



Аввал қуидаги маълумотларни билиб олинг!

- ✓ чет элга чиқиш тартиби
- ✓ мигрантлар ҳуқуки
- ✓ хужжатларни расмийлаштириш
- ✓ имтиёз ва тақиқлар
- ✓ чегарадан ўтиш босқичлари
- ✓ сафар қилинаётган мамлакат қонун-коидалари
- ✓ Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихона ва консуликлари.



MIGRATION.UZ

Агар бирор маълумотга эҳтиёж  
сезсангиз!

- ✓ ишончли ахборот воситаларини кузатинг
- ✓ интернетдаги расмий сайтларни мутолаа қилинг
- ✓ умумеътироф этилган ижтимоий тармоқларга аъзо бўлинг



MUSLIM.UZ

Диний масалада савол туғилса?

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қуидаги сайтлари ва ижтимоий тармоқларидан саволингизга жавоб олинг!

- ✓ “fatvo.uz”, “savollar.muslim.uz”
- ✓ “SavollarMuslimUzBot”
- ✓ Колл-марказ +99878-150-33-44

Ушбу орқали Сиз нафақат саволларга жавоб оласиз, балки кўрган-кечирганингиз, сиз гувоҳ бўлган ибратли воқеа-ходисалар, ҳаётий тажрибаларингиз билан ҳам ўртоқлашингиз мумкин.



FATVO.UZ

Азиз юртдошим!  
ДОИМО ЁДДА ТУТИНГ!

- ✓ Сизни Ота-онангиз ва оиласиз кутмоқда!
- ✓ Ота-онангиз, аёлингиз ва фарзандларингиз сизни соғ-саломат қайтишингизга интизорлар!
- ✓ Динимизга мувофиқ, уларнинг нафақаси сизнинг зимманингизда!
- ✓ Шундай экан, юртда қолган кекса ота-онангиз, турмуш ўртоғингиз ва болаларингиз ҳолидан доимо ҳабардор бўлиб, уларни моддий жиҳатдан ҳалол таъминлаб туришни зинҳор унитманг!
- ✓ Уларни сарсон бўлишига асло йўл қўйманг!
- ✓ Буғунчи фирқаларнинг чақириклиридан огоҳ бўлинг!
- ✓ Фаҳш ва нотўри йўлларга бошловчиларга яқинлашманг!



DIN NASIHTDIR

## Азиз опа-сингиллар! УНУТМАНГ!

Она Ватанда, Сизни ота-онангиз,  
фарзандларингиз ва ака-укаларингиз  
интизорлик билан кутишади.  
Сиз уларнинг шарафи ва ор-номусисиз!  
Моддий манфаатларни деб, ҳаром ва  
номақбул йўлларга яқинлашманг!  
Аллоҳ таоло Ватанимизга, муқаддас  
оиласигизга соғ-саломат, ёруғ юз ва покиза  
виждан билан қайтишингизни насиб этсин!



MUSLIMAAT.UZ

## Огоҳликка чорловчи оят, ҳадис ва хикматлар:

“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ  
кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни)  
билимаган ҳолингизда бирор қавмга азият етка-  
зib қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушай-  
мон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб  
(текшириб) кўрингиз!” (Хужурот, 6).

\*\*\*

«Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган ким-  
салар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат  
бўлур ва улар учун ноҳуш диёр (жаҳаннам) бор-  
дир» (Раъд, 25).

\*\*\*

«Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзида  
бузғунчилик қилмангиз!» (Бакара, 60).

\*\*\*

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алай-  
ҳи ва саллам: “Фитна қотилликдан ҳам ашад-  
дийроқдир”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

\*\*\*

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган  
ҳадиси шарифда бундай дейилади: “Келажакда  
фитналар бўлади. У фитналар келганда, ўтирган  
киши турган кишидан яхшидир, турган киши юр-

## Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги вакилларлари билиб оғланиш учун:

Андижон вилояти	(74) 228-01-58
Бухоро вилояти	(65) 224-40-51
Жizzах вилояти	(72) 223-85-30
Навоий вилояти	(36) 225-17-47
Наманган вилояти	(69) 226-10-01
Самарқанд вилояти	(66) 235-34-18
Сирдарё вилояти	(67) 227-23-00
Сурхондарё вилояти	(76) 225-52-00
Фарғона вилояти	(73) 226-72-44
Хоразм вилояти	(62) 228-44-38
Тошкент вилояти	(95) 142-14-54
Тошкент шаҳри	(71) 235-22-21
Қашқадарё вилояти	(75) 225-56-32
Қорақалпоғистон Республикаси	
	(61) 229-02-64



ган кишидан яхшидир, юрган киши (унга қараб)  
юргурган кишидан яхшидир. Ким фитнага қизиқиб,  
унга интилса, (фитна) уни ўзига тортиб олиб ҳалок  
қилади. Ким ундан қочиб қутуладиган жой (имкон)  
топса, ўша ердан паноҳ топсин (фитнага аралашма-  
син)» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

\*\*\*

Фикрнинг ойинаси олурса занг,  
Рухи равшан замир ўлур бенур.

(Абдулла Авлоний)

\*\*\*

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса  
қаноатдир. Энг заарарли ва нафрлати нарса ҳирс ва  
ғазабдир.

(Абу Али Ибн Сино)

Ушбу қўлланмада Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси  
шарифлар борлиги учун уни ножоиз жойларга ташламанг!

## Сайт ва ижтимоий тармоқлар

Сайт номи	Телеграм
muslim.uz	@muslimuzportal
Islom.uz	@islomuz_kanal
religions.uz	@DinQumita
Fatvo.uz	@diniysavollar
Hidoyat.uz	@HidoyatUz
fitrat.uz	@fitratuz
alberuniy.uz	@alberuniyuz
imon.uz	@imonuz
mp3muslim.uz	@mp3muslim
sammuslim.uz	@sammuslimuz
tavba.uz	@tavbauz
zamaxshariy.uz	@ZamaxshariyUz
naqshband.uz	@NaqshbandUZ
paziylet.uz	@paziyletuz
bukhari.uz	@bukhariuz
islaminstitut.uz	@oliymahad
kukaldosh.uz	@kukaldoshuz
nasafziyo.uz	@nasafziyo
Mehrob.uz	@mehrob_uz
ravza.uz	@ravza_uz
nasihat.uz	@nasihatuz
Tuhfa.uz	@tuhfauz
Xadicha.uz	@Xadichauz
Isloh.uz	@islohz
muslimun.uz	@muslimunuz



КАНАЛЛАР  
РЎЙХАТИ




КИТОБЛАР  
РЎЙХАТИ



**ПИРОТЕХНИКА  
ОФАТ КЕЛТИРАДИ,  
ЁХУД МУСУЛМОННИ  
ҚҰРҚИТИШ ҲАЛОЛ ЭМАС!**



**БАРЧА БИЛИШИ МУХИМ!**



Хар йили милодий сана бошланиш арафасида айрим кишилар томонидан пиротехника воситалари – пақилдоқларни гүмбурлатилиши оқибатида жуда күп одамлар ороми бузилади, хотиржамлиги йўқолади. Турли кўнгилсиз воқеалар, таъбни хира қиласиган ҳолатлар содир этилади.

Кўккисдан пиротехника портлаганини эшитган кексалар ёки бемор кишиларнинг аҳволи анча оғирлашгани, айрим ҳолларда эса ўлим билан тугагани кўпчиликка маълум.

**Энг ачинарлиси** бундай хатти-ҳаракатдан айниқса bemорлар, ҳомиладор аёллар ва кексалар кўп азият чекади. Шифокорлар унинг овози одамни тўсатдан чўчитгани боис, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир этиши ҳақида ҳам огоҳлантирган.





ХАДИСЛАРДА ҲАЗРАТИ  
ПАЙҒАМБАРИМИЗ  
СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙХИ  
ВАСАЛЛАМ:

**«МУСУЛМОННИ  
ҚЎРҚИТИШ  
МУСУЛМОНГА  
ХАЛОЛ ЭМАС»,**

ДЕБ ТАЪКИДЛАГАНЛАР.

---


БОШКА ҲАДИСИ  
ШАРИФДА ЭСА НАБИЙ  
АЛАЙХИССАЛОМ:

**«МУСУЛМОН  
МУСУЛМОНЛАР  
УНИНГ ТИЛИДАН  
ВА ҚЎЛИДАН  
САЛОМАТ БЎЛГАН  
КИШИДИР»,**

ДЕЯ МАРҲАМАТ ҚИЛГАНЛАР.



# ПИРОТЕХНИКАНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ ХАКИЛАД 6 ТА ФАКТ




1

Пиротехника буюмларидаги портловчи моддалар инсоннинг эндокрин тизимига салбий таъсир қиласы. Оқибатда қалқонсимон без нормал ўсиш ва ривожланиш учун зарур бўлган гормонларни етарли миқдорда ишлаб чиқара олмайди;



2

Овоз баландлиги бўйича пиротехника воситаларининг портлаши 150-170 децибелга етади. 85 децибелдан юқори даражадаги товушлар **одамнинг эшитиш қобилияти учун жуда хавфли саналади;**



3

Пақилдоқ портлагандаги алюминий, олтингугуртли сурма, арсеник бирикмалар, барийнитрат, диоксид, нитрат, кўрғошин, хлорид каби элементлар ажралиб чиқсан тутун инсонларнинг нафас олиш йўлларига зарар етказади, **ҳатто ўпка саратонига ҳам сабаб бўлади;**



# ПИРОТЕХНИКАНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ ХАКИЛА 6 ТА ФАКТ




**4** Пақилдоқ гумбурлаши болалар меъёрида ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади;

**5** Пиротехника воситалари яроқсизлиги ёки уни нотўғри қўллаш оқибатида, айрим кишиларнинг **юз қисми**, **кўриш-эшитиш аъзолари ёки қўл-оёқлари бир умрга нуқсонли-ногирон** бўлиб қолади;

**6** Пиротехника буюмлари ишлатилганда ёниш ҳарорати 3000 дараҷагача етади, бу – **кучли ёнғин келиб чиқиши хавфини кучайтиради.**

АЛЛОХ ТАОЛО  
ИНСОНЛАРНИ ЎЗ ЖОНИ  
ВА МОЛЛАРИНИ ХАТАРГА  
СОЛИШДАН ҚАЙТАРГАН:

**«...ЎЗИНГИЗНИ  
ҲАЛОКАТГА  
ТАШЛАМАНГ...».**



РАСУЛУЛЛОХ,  
СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМ:

**«КИМ ЗАРАР ЕТКАЗСА, АЛЛОХ  
УНГА ЗАРАР ЕТКАЗАДИ. КИМ  
МАШАҚҚАТ ТУҒДИРСА, АЛЛОХ  
УНИ МАШАҚҚАТГА ҚҰЯДИ»,**

ДЕБ ТАЪКИДЛАГАНЛАР  
(ИМОМ ТЕРМИЗИЙ РИВОЯТИ).



# ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА СОТИШ ЖИНОЯТ!



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 1851-моддасига мувофиқ, пиротехника буюларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш хукуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, **энг кам иш** ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Жиноят кодексининг 2501-моддасида эса бундай қилмишлар содир этганлар учун унинг ким томонидан содир этилгани ва қандай оқибатларга олиб келганлигига қараб турли жазо чоралари, жумладан, **саккиз йилдан ўн йилгacha озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши кўзда тутилган**.



# ПИРОТЕХНИКА БҮЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ ИСРОФ!



МОЛНИ ЗОЕ ҚИЛИШ, ИСРОФ ҚИЛИШ, БЕҲУДА КЕТКАЗИШ Аллоҳ Таолонинг ғазабини келтиради. ҲАҚ ТАОЛО БУНДАЙ ХИТОБ ҚИЛАДИ:

**«АЛБАТТА ИСРОФЧИЛАР  
ШАЙТОНЛАРНИНГ  
БИРОДАРЛАРИ БЎЛГАНЛАР.  
ШАЙТОН ЭСА, РОББИГА ЎТА  
НОШУКР БЎЛГАНДИР»,**  
(“ИСРО” СУРАСИ, 27-ОЯТ).



Пиротехника воситалари савдоси билан шуғулланувчилар бунинг оқибатида содир бўлган гуноҳга ҳам шериқдир.  
**Унинг олди-сотдисидан тушаётган пул ҳам ҳалол эмас!**



## «Z» АВЛОД ТАРБИЯСИ ВА АХЛОҚИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КҮРСАТУВЧИ БҮЛМАНГ!



Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги даврда янги-янги атамалар пайдо бўлмоқда. Шулардан бири авлодлар назарияси тушунчаси ва ундаги “Z” авлод вакиллариdir.

**Мутахассислар янги “Z” авлод вакилларини ғайриоддий иқтидорли, махсус фалсафий дунёқарашга эга, ижодкор ва “қўлида гаджетлар билан туғилган”лар, дея таърифламоқда.**

Шундан келиб чиқиб, пақилдоқларни пақиллатишни суратга ва тасвирга олиб интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаётган блогер ва ҳаваскор юртдошларимизга шуни таъкидлаймизки, сизнинг бу ҳаракатингиз миллатимизнинг энг умидли, замонавий тилда айтганда “Z” авлоди тарбияси ва ахлоқига мутлақо салбий таъсир кўрсатмоқда!





## ОТА-ОНАЛАРГА 11 ТАВСИЯ



1. Фарзандингизнинг ҳамрохлигидага ота-онага, яқинларига ҳадя ёки эҳтиёжмандларга моддий кўмак беришга ўргатиш;



2. Фарзандга қизиқишидан келиб чиқиб китоб ҳадя қилиш;



3. Уни ширинлик ва мева билан сийлаш;



4. Табиятга муносабат шаклланиши учун тувакда гул совға қилиш;



5. Интеллектуал салоҳиятни оширувчи ёшга мос ўйинчоқлар олиб бериш;



6. Дунёқараши ва қизиқишидан келиб чиқиб билим тўгаракларига жалб этиш;





## ОТА-ОНАЛАРГА 11 ТАВСИЯ



7. Жисмоний рафбатидан келиб чиқиб спорт тұғаралықтарға жалб этиш.



8. Бирорнинг тинчлигига, жони ва мулкига зарар етказмаслик комил мүмінлік сифаты эканини англашиб;



9. Құйидаги маблағини исроф қымаслық ва мақсадлы ишлатиш савоб эканини уқтириш!



10. Фарзандингиз үзиге күпроқ вакт ажратып унинг ҳәётида асл намуна СИЗ эканингизни доимо билдириб туришингизни истайди;



11. Фарзандингиз сизнинг дунё ва охиратда юзингиз ёруғ бўлишига асос эканини эса мутлақо унумтманг!





## УНУТМАНГ!

Аллоҳ таоло бандага ато этган жисм, жисмоний қобилият ва маблағлар катта неъматдир! Унинг шукронаси – Аллоҳ таоло кўрсатганидек тасарруф қилиш билангина юзага чиқади. Динимизда жисм ва маблағни беҳуда ишларга сарф этиш, уни исроф қилиш бўлиб, катта гуноҳ ҳисобланади.

**ЖОНДАН АЗИЗ ЎҒИЛ-ҚИЗИНГИЗ УЧУН  
ФАЛОКАТНИ АСЛО СОТИБ ОЛМАНГ!**





Пиротехника воситасининг аянчли оқибати  
акс этган роликни “QR” кодни сканнер қилиб  
қўришингиз мумкин



Пиротехника буюмларининг қонунга  
хилоф муомаласи учун жавобгарлик  
белгиланган кодекслар “QR” кодни сканнер  
қилиб қўришингиз мумкин



### Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Ушбу инфографикага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича  
қўймитанинг 2021 йил 22 декабрдаги 03-07/7850-сонли хulosasi олинган.



## ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ:

# СОХТА САЛАФИЙЛАР ХАТАРЛАРИ



Хозирги кунда инсонларни туғилиб-ўстан  
Ватанига хиёнат қилишга чақираётган,  
мусулмонлар ўртасида ихтилоф ва бўлиниш  
келтириб чиқараётган бузғунчи оқимлар жуда кўп.  
Ана шундай оқимлардан бири сохта салафийлардир.

“Салафийлик” ибораси араб тилидаги “салаф” сўзидан олинган бўлиб, “аждодлар”, “аввал яшаб ўтганлар” маъноларини билдиради. Уламолар Пайғамбар алайҳиссалом замонларида яшаган мусулмонларни “солиҳ аждодлар” дейишган. Улардан кейинги даврда яшаган мусулмонларга “салаф” ёки “салафийлар” тушунчаси ишлатилмайди.



## СОХТА САЛАФИЙЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРИ ЖУДА КЎП БЎЛИБ, БУ ХАВФ-ХАТАРЛАР ҚУЙИДАГИЛАРДИР:

① Ёшларни турли ботил ғоялар билан ўз қармоғига илдириб, уларни ўз сафига кўшиб олиш;

② Ёшлар орасидаги фаолиятини хорижий мамлакатлардаги меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, интернет ва ижтимоий тар-

моклар орқали тарғиботларини кучайтириш, оила аъзолари, яқинлари ва қўшниларини ўз гуруҳига тортиш, яширин “хужралар” ташкил этиш, диний-экстремистик мазмундаги материалларни босма, электрон кўринишда тарқатиш қаби усусларда амалга оширмоқда;

① Интернет орқали сухбат олиб бориш жараёнида ёшларга куфр диёри, ҳижрат, жиҳод, шаҳидлик, халифаликни тикилаш қаби нотўғри тоялар сингдирилиб, Сурия қаби уруш ўчоқларига жалб қилинмоқда;

① Сиёсий кучларнинг ногорасига ўйнаётган сохта салафийлар томонидан ақидапараст, дийдаси қотган, мустақил фикрлашдан маҳрум, раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини қонун деб билувчи зомби жангарилардан тинч минтақаларда ҳам турли низолар ва беқарорликларни келтириб чиқаряпти;



① Барча муаммоларнинг ечими сифатида алдовлар орқали жиҳод қилишни таклиф этишади. Бунинг учун “хижрат” қилиш лозимлиги уқтирилади. Билимсиз ва малакага эга бўлмаган ёшлар бундай даъватларга учиб, ақидапараст оқимларга мойил бўла бошлайдилар;

① Сохта салафийлар аъзоларининг одамларни куфрда айблаши, мўмин-мусулмонлар яшайдиган мамлакатларни куфр худуди, деб эълон қилишлари оқибатида мусулмонлар ўртасида ихтилофлар келиб чиқяпти;

① Ўзларининг бузуқ таълимотлари ила қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқади деган эътиқодда ҳатто бир пайтлар Мадинаи мунавварадаги саҳобаларнинг қабрларини ҳам оёқости қилишган. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мен сизларни қабрлар зиёратидан қайтарган эдим. Энди уни зиёрат қиласверинглар. Зоро, у сизларга охиратни эслатади”, деганлар (*Имом Муслим, Имом Аҳмад ривояти*).

① Сохта салафийлар тасаввуфни тан олишмайди, тавассулни куфр дейди, мазҳабларни инкор қиласади, ўзларига эргашмаганларни ҳам кофирга чиқаришади;

① Улар жамиятни иккига: “мусулмон” ва “динсизлар”га ажратишади. Бу билан бошқа диндагиларни душман санаб, динлараро адоват ўйғотишга уринади. Улар нафақат бошқа дин вакилларига, балки ша-

риат ҳукмларини улар ўйлагандек тўлиқ бажармаётган мусулмонларга нисбатан ҳам зўравонлик сиёсати олиб боради;

**!** Мусулмон уммати кўп асрлардан буён адо этадиган мавлид, қабристонларни зиёрат қилиш каби яхши одатларни сохта салафийлар бидъат санайди. Шунингдек, улар азалдан урфда бўлган миллий қадриятлар, маърифий анаъналарни оёқости қилиб, куй-наволар тинглашни ҳаромга чиқарадилар.

**!** Таъкидлаш жоизки, мана шундай ноқонуний ташкилотлар ва жамоалар фаолиятида фаол қатнашиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 216-моддасига асосан жиноий жавобгарликка асос бўлади.



## НОТЎҒРИ ТАЛҚИН ҚИЛИНАЁТГАН ИСЛОМИЙ ТУШУНЧАЛАР

**Такфир** — мўмин кишини асоссиз сабаблар билан кофирга чиқариш демакдир. Унинг хатари ҳақида ҳадисда: “Агар киши биродарига “Эй кофир”, деса, у (сўз) иккисидан бирига қайтади” дейилган.

**Хижрат** — бир жойдан иккинчи жойга кўчиш маъносини англатиб, истилоҳда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчилигига мусулмонларнинг Мадинага кўчиб ўтишларига айтилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида хижрат қилиш – мусулмонларнинг молига ва жонига хавф-хатар етганидан сўнг мажбурлик ва зарурият юзасидан вужудга келган.

Шунинг учун ҳам Макка фатҳ этилганидан сўнг хижрат қилиш бекор қилинган. Ҳадисда: “**Хижратнинг энг афзали – Роббинг ёмон кўрган нарсани тарк этмоғингдир**”, дейилади.

**Жиҳод** — Аллоҳ йўлидаги жиҳод дейилганида фақат жанг майдонида бўладиган жиҳоднинг ўзигина назарда тутилмайди. Хусусан бизнинг асримизда магар четдан бостириб кирган ёвдан Ватанинг ҳимоя қилиш учун бўладиган жиҳоддан бошқа барча жанг майдонларидаги “жиҳодлар” фақат мусулмонларни қириш, Исломни ёмон отлиқ қилиш учунгина “хизмат” қилмоқда.

**Шахидлик** — Дини, жони, моли, оила аҳли ҳимояси йўлида ўлдирилган киши шахид дейилади. Фитнага аралашиб ўлган одам ҳеч қачон шахид саналмайди.

Хадисда: “Ким номаълум байроқ остида жанг қилса ва бу йўлда ўлдирилса бас у жоҳилият ўлимини топибди”, дейилган.

**Мазҳабсизликнинг шаръий хатари:** Аллоҳ таъоло Куръонда: “Агар билмасангиз зикр аҳлидан сўранг!” деб буюрган. Шундан келиб чиқиб уламолар Ислом оламидаги тўртта мазҳабдан бирига тақлид қилиш вожиб эканини таъкидлаганлар. Бемазҳаблик билан эса киши ўз динини хатарга қўйган саналади. Чунки уламоларимиз: «Бемазҳаблик динсизлик сари қўприкдир!» деганлар.



## БИЛИМСИЗЛИКНИНГ ШИФОСИ САВОЛ, АГАР БИЛМАСАНГИЗ СЎРАНГ!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан юртдошларимизнинг диний масалалардаги саволларига жавоб бериш мақсадида **Колл-марказ** тизими йўлга қўйилди. Эндилиқда сиз **(78) 150-33-44** телефон рақами орқали малакали мутахассислардан жавоб олишингиз мумкин.

Шунингдек, **savollar.muslim.uz** ва **Fatvo.uz** веб-саҳифалари ҳамда **@SavollarMuslimUzBot** телеграм каналига ҳам саволларингизни жўнатишингиз мумкин. Аёл-қизларга хос масалаларни Телеграмдаги **@muminalaruzb** номли канал орқали олишни тавсия этамиз.

### Расмий сайт ва ижтимоий тармоқлар

Сайт номи	Телеграм	Телеграм
muslim.uz	@muslimuzportal	@AhLiSunnaVaUamoaUz
islom.uz	@islomuz_kanal	@sof_talimotlar
religions.uz	@DinQumita	@abu_hanufa_uz
fatvo.uz	@diniysavollar	@shoshhanafiy
hidoyat.uz	@HidoyatUz	@ahli_sunna_wal_jamaa
fitrat.uz	@fitratuz	@ahnafuz
alberuniy.uz	@alberuniyuz	@imom_buxoriy_uz
nasafziyo.uz	@nasafziyo	@hidoyat_yuli
paziylet.uz	@paziyletuz	@MoturidiyahliSunnaMaktabi

 Жаҳолатга  
қарши маърифат  
йўналишидаги  
маълумотлар базаси

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
«Шамсуддинхон Бобохонов» НМИУ



# «ХИЗБУТ-ТАХРИР»

## ФИТНАСИДАН ОГОХ БЎЛАЙПИК!



### “Хизбут-таксир” қандай фирмә?

“Хизбут-таксир” – 1953-йилларда Фаластинда ташкил топган, гўёки халифалик барпо қилишни даъво қилаётган, аслида кўплаб ислом оламига мансуб мамлакатларда мусулмонларнинг орасида фитна уюштириш орқали ижтимоий барқарорлик ва уммат бирдамлигига раҳна солаётган фирмә (партия) ҳисобланади.

Фирқанинг асосий ҳужжатида унинг “руҳий уюшма ҳам, илмий уюшма ҳам, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланадиган уюшма ҳам эмас, балки у исломий фикр асосига қурилган сиёсий уюшма” экани, фаолияти дин, маърифат ёки хайрия эмас, балки **сиёсий соҳа** экани очиқ-ойдин таъкидланади. Яъни, диний-сиёсий нуқтаи-назаридан, “Хизбут-таксир” гўёки исломий гояни даъво қилсада, аслида қуруқ сиёсатдонликка ўргатадиган, **аҳли сунна** жамоасига муҳолиф бўлган жамоа ҳисобланади.



### Хизбут-таксирнинг ижтимоий хатарлари:

- ➊ Мусулмон мамлакатларида юрт раҳбарига қарши чиқиши, мавжуд тузумга бўйсунмаслик ва давлат тўнтаришини уюштиришни тарғиб қиласи ҳамда тинч аҳолини жорий ҳукуматга қарши гиж-гижтайди;
- ➋ Демократия ва инсон эркинликлари гўёки куфр дунёкараши ва низоми экани, улар асосида давлат тузишни ҳамда амалдаги қонунларга итоат қилишни ҳаром, деб эълон қиласи;
- ➌ ватанпарварлик ва миллий қадриятларни гўёки исломга ёт тушунча деб даъво қиласи;
- ➍ ўзларига эргашмаган барча мусулмонларни ва уларни тўғри йўлга чақирган аҳли-уламоларни куфрда айблайди;
- ➎ хайр-саҳоват, ахлоқий тарбия ва яхшиликка чақириш, илм-маърифат тарқатишларни исломий давлат қуришдан чалғитувчи ножоиз амаллар сифатида қоралайди;
- ➏ фирмә аъзоларига жони ва оиласидан кечиб бўлса ҳам ичган қасамига содиқ қолишга, уларнинг онгига ушбу қасамни бузса гўёки “кофир”

бўлишлари сингдирилиши сабабли аксарият “ҳизбчилар” ҳаётларини бешамара ўтказмоқда, бунда кўпроқ уларнинг ота-оналари, ахли-оилалари, фарзанд-зурриётлари ва яқинлари қийналмоқда;

① ўз мақсадини амалга ошириш йўлида ношаръий ва умуминсонийлик меъёрларига зид услубларни қўллаш мумкин, деб фатво беради.

**“Ҳизбут-тахрир” Ислом дини ва мусулмон жамиятларига фақат зарар етказаётгани сабабли Саудия Арабистони, Миср, Иордания, Туркия, Покистон, Хитой, шунингдек, Яқин Шарқ ва Шимолий Африканинг аксарият мамлакатларида, қўшини Тожикистон, Қозогистон ва Қирғизистонда, Россия Федерациясида ноқонуний ҳисобланади.**



## “ХИЗБУТ-ТАХРИР”НИНГ ДИНДАГИ БОТИЛ ҒОЯЛАРИ:

① **Халифалик ўрнатиши.** “Ҳизбут-тахрир” аъзолари ҳар икки гапнинг бирида, уч кундан ортиқ халифасиз яшаш ҳаром, деган иддаони илгари суради. Таъкидлаш жоизки, Аллоҳ таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан уч кундан ортиқ халифасиз яшаш ҳаром, деган ҳукм чиқарилмаган. Исломда ҳалол ва ҳаром ҳақидаги ҳукмни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи ёки У Зотнинг Пайғамбари чиқариши мумкин холос;

② **Қасам ичириши.** Фирқага кираётганларга халифаликни барпо қилишда жони ва оиласидан воз кечиб бўлса-да ҳаракат қилишга қасам ичирилади. Ушбу қасамни бузса, диндан чиқиши ва гўёки кофир бўлиши сингдирилади. Аслида, Исломда қасамнинг ўз шартлари бўлиб, бузғунчи нарсаларга қасам ичилмайди. Шариатимизга кўра, Қуръон ва суннатда келган хабарлар борасида “Ҳизбут-тахрир” талқинидан бошқа талқинни қабул қиласлик каби мазмунда ичилган қасамга амал қилиш умуман мумкин эмас!

Ислом дини қасамни баҳона қилиб мусулмонлардан “халифалик” қуришни ҳам, бунинг учун оиладан воз кечишни ҳам талаб қилмайди! Дунё уламолари бу каби бир тарафдан бесамар, бошқа тарафдан эса шубҳали, гоҳида ҳатто заарли ҳам бўладиган ишлардан дарҳол тийилиб, қасам каффоратини адо этиш лозим эканини эътироф этадилар.

“Саҳихи Бухорий”да 6621-рақамли ҳадиси шарифда Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: “(Отам) Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) токи Аллоҳ таоло қасам каффорати ҳақидаги оятни нозил қилгунига қадар, зинҳор ичган қасамларини бузмас эдилар. (Ўша оят нозил бўлгач эса): “Қачонки бир нарсага қасам ичсану, кейин бошқа нарса ундан хайрлироқ эканини кўрсам, албатта ўша афзал ишни қилавераман, ушбу қасамим учун эса каффорат тўлайман”, дедилар”.

③ **Амру маъруф ва нахъ мункар, оҳод ҳадисларни, қабр азоби ва Масих Дажжол чиқишини инкор этади.** Фазилатли Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ “Дин насиҳатдир” номли китобларида ҳизбчиларнинг қабр азоби ва Масих Дажжол чиқишига эътиқод қилишни ҳаром, дейиши энг хатарли хатоларидан бири эканини таъкидлаган;

- ❶ беҳаё суратларни томоша қилиш ва номаҳрам аёлнинг қўлини ушлашини шаръян жоиз ҳисоблайди;
- ❷ икки қутбда яшовчилардан намоз ва рўза соқит бўлади, деб Исломнинг икки асосларига зид ҳукм беради.
- ❸ Ислом таълимотига зид равишда шариат масалаларида шаръий манбалардан ақл ва тафаккурни устун қўяди.



## ИСЛОМ УЛАМОЛАРИНИНГ “ХИЗБУТ-ТАҲРИР”ГА МУНОСАБАТИ:

 Марҳум Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Мутавотир далил билан собит бўлган нарсани инкор қилган одам кофири бўлиб, Исломдан чиқади. Оҳод ҳадисларда келган маънони инкор қилган одам фосиқ бўлади. Шу қоидага биноан, “Хизбут таҳrir” умумий равишида фосиқ бўлади”, деб хулоса берган;

 Дунёдаги машҳур уламолар Муҳаммад Тантовий, Юсуф Қаразовий, Сулаймон Ашқор ва бошқалар “Хизбут-таҳrir”ни сиёсий ҳокимиятни эгаллашни устувор вазифа сифатида кўриши, кўплаб шаръий масалаларда ислом аҳкомларига мутлақо зид фатволар бериши сабабли қаттиқ қоралаганлар ҳамда адашган фирмә деб эълон қилганлар.



## “ХИЗБУТ-ТАҲРИР” ЖАМОАСИДА АЛОХИДА ШАХС ХЕЧ ҚАНДАЙ САЛМОҚҚА ЭГА ЭМАС:

- ❶ раҳбарларига маблағ тўплаб беради ва уларнинг буйруғини сўзсиз бажаради;
- ❷ хото кўринган масалада норози бўлса ҳам, ичган қасами рўкач қилиниб, эътиорзлари эътиборга олинмайди;
- ❸ оддий аъзолар ҳатто “Хизбут таҳrir”нинг етакчиси ким ва қаерда экани, тўплаб бераётган маблағи қаерга сарф бўлаётганини билмайди;
- ❹ фирмә аъзолари ўзлари танимаган ва билмаган шахсларнинг сароб гоялларига кўр-кўронга эргашиш оқибатда, оиласига масъул бўлиш каби Аллоҳ томонидан фарз этиб қўйилган вазифаларини ижро этмай келмоқда.



## “ХИЗБУТ-ТАҲРИР” ФАОЛИЯТИГА ҚОНУНИЙ БАҲО:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 26 сентябрдаги Қарорига мувофиқ “Хизбут-таҳrir” террорчилик ташкилоти, деб тан олинган ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолияти таъқиқланган.

Ушбу фирмә фаолиятида турли шаклларда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қўйидаги моддалари асосида жиноий жавобгарликларга олиб келади:

**156-модда.** Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш;

**159-модда.** Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажковуз қилиш;

**216-модда.** Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш;

**216-1-модда.** Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш;

**216-2-модда.** Диний ташкилотлар түғрисидаги қонунчилликни бузиш;

**244-1-модда.** Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибиға таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш;

**244-2-модда.** Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланған ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш;

**244-3-модда.** Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш;

**246-модда.** Контрабанда (... диний экстремизм, сепаратизм ва ақида-парастликни тарғиб қылувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш).



## ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ САЙТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан юртдошларимизнинг диний масалалардаги саволларига жавоб бериш мақсадида **Колл-марказ** тизими йўлга кўйилди. Эндиликда сиз **(78) 150-33-44 телефон** рақами орқали малакали мутахасислардан жавоб олишингиз мумкин.

Шунингдек, **savollar.muslim.uz** ва **Fatvo.uz** веб-саҳифалари ҳамда **@SavollarMuslimUzBot** телеграм каналига ҳам саволларингизни жўнатишингиз мумкин. Аёл-қизларга хос масалаларни Телеграмдаги **@muminalaruzb** номли канал орқали олишини тавсия этамиш.

Сайт номи	Телеграм	Телеграм
muslim.uz	@muslimuzportal	@AhliSunnaVaUamoaUz
islom.uz	@islomuz_kanal	@sof_talimotlar
religions.uz	@DinQumita	@abu_hanufa_uz
fatvo.uz	@diniysavollar	@shoshhanafiy
hidoyat.uz	@HidoyatUz	@ahli_sunna_wal_jamaa
fitrat.uz	@fitratuz	@ahnafuz
alberuniy.uz	@alberuniyuz	@imom_buxoriy_uz
nasafziyo.uz	@nasafziyo	@hidoyat_yuli
paziylet.uz	@paziyletuz	@MoturidiyahliSunnaMaktabi

 Жаҳолатга  
карши маърифат  
йўналишидаги  
маълумотлар базаси



Шайх Мухаммад Содик Мұхаммад  
Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг "Хизбут-  
тахрир" фитналарини фош этиб  
берган "Дин насиҳатдир" китоби



Ўзбекистон  
Республикаси  
Жиноят Кодекси

 Ўзбекистон мусулмонлари  
идорасининг "Хизбут-  
тахрир" фитнасидан  
оѓохлантириш" номли китоби

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
«Шамсуддинхон Бобохонов» НМИУ

# ХАЁТИНГНИ ЎЗ ҚҰЛІНГ БИЛАН БАРБОД ҚИЛМА!

## ГИЁХВАНДЛИК МОДДАЛАРИ ИСТЕМОЛИ НАТИЖАСИДА:

- Соғлигингни йүқотиб, келажагингни барбод қиласан;
- Гиёхванд моддалариға қарамлик инсонни таназзулга учратади ва тубанликка олиб боради;
- Гиёхванд моддалар жисмоний заифликни чақиради, асаб тизимини ишдан чиқаради;
- Гиёхванд моддаларга боғланиб қолиш оилангни пароканда қиласади;
- Модда умрингни қисқартыради;
- Гиёхванд моддалар руҳий таназзулни келтириб чиқаради.

## ГИЁХВАНДЛИК ҲАҚИДА УЙДИРМАЛАР:

**Уйдирма:** "Енгил" наркотиклар бор, улардан фойдаланши мутлақо хавфсизdir.

**Ҳақиқат:** Гиёхванд моддаларни "енгил" ва "օғири" бўлмайди! Ҳар қандай гиёхванд модда истеъмолининг такрорий эпизодлари сурункали гиёхвандликка олиб келади ва инсон саломатлигига жиддий зарар етказади.

**Уйдирма:** "Гиёхвандлар иродали ва кучли кишилар, улар ҳохлаган вақтда ўз одатларини ташлай олади".

**Ҳақиқат:** Биринчи марта гиёхванд моддаларни истеъмол қилишини рад этишинг бу ютуғинг. Бўлмаса у сени ўз домига тортади.

Доимо ёдда тутиң!

## НАРКОЖИНОЯТЛАРНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА:

Гиёхваңд инсонда навбатдаги дозани сотиб олиш учун пул топиш илинжида ёвузликнинг барча кўринишлари намоён бўлади: **алдаш, ўғирлик, ўзини сотиш, талончилик, қотиллик...**

**ОГОХ  
БЎЛИНГ:**

наркожиноятлар учун бир қанча давлатларда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинса, баъзи давлатларда умрбод қамоқ ёки ўлим жазоси қўлланилади.



Гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси кенг тарқалган жойлар яъни, “**қора бозорлар**” ва “**кўнгил очар жойлар**”дан эҳтиёт бўлинг.



Ижтимоий тармоқлардан фойдаланганда эҳтиёт бўлинг, адашманг ва тўғри йўлда фойдаланинг!

Ижтимоий тармоқлар орқали наркокуръерликка жалб қилишда мўмай пуллар ваъда қилинмоқда.

**Ёдда тулинг!**

Бундай йўл билан осон пул топиш сизни қамоқ сари етаклайди.



**Доимо ёдда тулинг!** Ҳаётингизни “Наркобаронлар” учун барбод қилманг!

**ҲАЁТИНГНИ ЎЗ ҚЎЛИНГ БИЛАН БАРБОД ҚИЛМА!**

## ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАР САВДОСИ ХАҚИДА УЙДИРМАЛАР:

**Уйдирма:** “Гиёхванд воситалар савдоси билан шуғулланиб тездә бойиб кетасан, кейин бошқа бу ишин қилмайсан”.

**Хақиқат:** Аслида, бир маротаба бу ишин қилсанг кейин уларни чангалига (үргимчак түрига) тушасан. Бу йүлдан қайтишининг деярли имкони йўқ. Охири қамоқ ёки ўлим.

**Уйдирма:** “Ижтимоий тармоқлар орқали наркокуръерлик билан шуғулланиши ҳеч кимни эътиборини тортмайди”.

**Хақиқат:** Огоҳ бўлинг! Сиз наркожиноятларга аралашдингизми албатта ҳуқуқ-тартиботидоралари кузатувида бўласиз. Жиноят учун жавобгарликдан қочишнинг имкони йўқ!

## ГИЁХВАНДЛИК ЖИНОЯТЛАР АСОСИ

Жаҳонда содир этилаётган қотиллик, зўравонлик, фаҳш каби жиноятларнинг **60 фоизга** яқини гиёхванд моддалар истеъмоли туфайли юз беради.

Наркомания инсонни ахлоқий жиҳатдан тубанликка тортади, ақл-идроқдан маҳрум этади, оқибатда киши дунёдан кўз юмади. Гиёхванд моддалар айниқса ёш йигит ва қизларга жуда ҳалокатли таъсир этади.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда **500 миллиондан** ортиқ одам гиёхвандлик дардига йўлиқкан. Унинг аксарият қисмини **30 ёшгача** бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили **208 мингдан** ортиқ қиши ҳаётдан кўз юмади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг! Албатта, Аллоҳ сизларга меҳрибон бўлган зотдир”** ва бошқа ояти каримада: **“Ўзингизни ҳалокатга ташламанг!”** (Бақара, 19), деб огоҳлантиради. (Нисо, 29). Гиёхвандлик инсонни аста-секинлик билан ҳалокатга олиб боради.

Аллоҳ таоло бундай хитоб қиласди: **“У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиласди”** (Аъроф, 157).

Шунингдек, Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалам **“Ҳар бир маст қилувчи ҳамрдир ва ҳар бир маст қилувчи ҳаромдир”**, деб огоҳлантирганлар.

Ислом уламолари мана шундай асосларга таяниб, гиёхванд моддаларни ишлаб чиқариш, экиш, этиштириш, ташиш, сотиш, тарқатиш ва уни тарғиб қилиш ҳам истеъмол қилиш кабилар ҳаром эканига ва ундан кимсаларга жазо тайинланишига фатво берганлар.

Шундай экан, оқил инсон нобакорларнинг ҳийласига алданмайди, боши берк кўчага кирмайди. Зоро, Набий алайҳиссалом: **“Мўмин киши оқил, зийрак ва ҳушёр бўлади”**, деганлар.

**ҲАЁТИНГНИ ЎЗ ҚЎЛИНГ БИЛАН БАРБОД ҚИЛМА!**

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ:**

## **246-модда.**

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг контрабандаси билан шуғулланиш **5 йилдан 20 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **251<sup>1</sup>-модда.**

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равища мумалага киритиш **7 йилдан 10 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **270-модда.**

Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равища экиш ёки етишириш **5 йилдан 10 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **273-модда.**

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равища тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошقا ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равища ўтказиш **10 йилдан 20 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **274-модда.**

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **276-модда.**

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошقا ҳаракатлар **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



**Бўш вақтингизни мазмунли ташкил  
қилишга эътибор беринг ва доимо  
соғлом турмуш тарзига риоя  
қилишни унутманг!**

Доимо ёдда тутинг!

**ҲАЁТИНГНИ ЎЗ ҚЎЛИНГ БИЛАН БАРБОД ҚИЛМА!**

# ГИЁХВАНДЛИК БАЛОСИ – АСР ВАБОСИ



## ЖИНОЯТЛАРНИНГ АСОСИ – ГИЁХВАНДЛИК !

Гиёхванд моддалар савдоси орқали айланаётган пул маблағлари дунё ахолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатларидан анча кўп. Энг ачинарлиси, гиёхвандлик оқибатида **оғир жиноятларнинг содир этилиши, оиласалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда**. Жаҳонда содир этилаётган қотиллик, зўравонлик, фаҳш, безорилик каби жирканч жиноятларнинг **57 % фоизи** гиёхванд моддалар истеъмоли туфайли юз бермоқда.

## “ҚОРА АЖАЛ” АЙНИҚСА ЁШЛАРГА КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛАДИ !

Наркомания инсонни ахлоқий жиҳатдан тубанликка тортади, ақл-идроқдан маҳрум этади, оқибатда киши жисмонан ҳолдан тояди ва дунёдан кўз юмади. Наркотик моддалар одамни айни куч-кувватга тўлган даврида алкоголга нисбатан **4-6 баробар** тезроқ ҳалокатга учратади. Гиёхванд моддалар айниқса ёш йигит ва қизларга жуда ҳалокатли таъсир этади, бу ўша ёш даврининг ўзига хос психологик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

## **ОҒУ САБАБЛИ ЙИЛИГА 208 МИНГДАН ОРТИҚ “ҚУРБОНЛИК”**

Статистик маълумотларга кўра, **дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиқан**. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 208 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади.

## **БИРИНЧИ ҚАДАМНИ ҚЎЙГАН УНДАН ҚУТУЛА ОЛМАЙДИ**

Наркотик моддаларни истеъмол қилган ёшлар орасида сўровнома ўтказилганда уларнинг жуда кўпчилиги наркотик моддани биринчи марта қизиқиш, бошқаларга тақлид қилиш мақсадида истеъмол қилганини айтади. Гиёҳванд моддани бир марта оз миқдорда бўлсада истеъмол қилган шахс ўзини бу балодан ҳеч қачон тўхтата олмайди.

Наркотик моддаларга ўрганиб қолиш оқибатида одам гиёҳвандга айланади ёки бу воситаларга ҳаддан ташқари ружу қилиш токсикомания дардига мубтало қиласди. Гиёҳвандлар мунтазам равишда наркотик моддаларни топиш пайида бўлади, бунинг учун ҳатто жиноятга қўл уради. Агар наркотик моддани топа олмаса, хумор қилиб (абстиненция), ахволи оғирлашади: бундай ҳолда наркоманинг дармони курийди, кўз қорачиги кенгаяди, юрак уриши тезлашади, тез-тез нафас ола бошлайди, кўнгли айниб, қайт қиласди, ичи кетади, сўлаги оқади, терлайди, бўғимлари сирқираф оғрийди, уйқусизлик азоб беради.

## **ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ОХИРИ – ЎЛИМ!**

Гиёҳвандлик инсон саломатлигига жиддий зарар етказади. Бутун дунё шифокорлари бир овоздан гиёҳвандлик ўнлаб тузалмас касалликлар келтириб чиқариши, хусусан, бёвақт ўлим ҳолатлари, мажруҳ ва ақли заиф фарзандлар туғилишини тасдиқлади.

Бундан ташқари бу заарли иллат инсон тафаккурини ўтмаслашибади, тананинг турли касалликларга чидамлилигини йўқотади, хотирани сусайтиради, бош мия, юрак, қон-томир, упка ва кўз касалликлари, жинсий заифлик, тишларнинг тўкилиши кабиларни келтириб чиқаради. Кишининг шарм-ҳаёни кетказади, инсоний муносабатлар ва муруватга зарар етказади. Шунингдек, бу заарли иллат инсонни ўта ялқов, камфайрат, оиласа бепарво ва ҳамиятсизликка олиб боради.

Ҳомиладорлик даврида наркотик модда истеъмол қилган аёллардан носоғлом болалар туғилади ва одатда ҳаётининг 2-Зунида нобуд бўлади.

## ГИЁХВАНДЛИК – ИСЛОМДА ҲАРОМ ҚИЛИНГАН АМАЛ

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонлиқдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиласи” (Аъроф сураси, 157-оят).

“Эй иймон келтирганлар! Албатта, ҳамр, қимор, бутлар ва (фол очар) чүплар ифлосидир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, зафар топсангиз” (Моуда сураси, 90-оят). Араб тилида “ҳамр” сўзи “тўсиш”, “беркитиш” маъноларини англатади. Тановул қилган кишининг ақлига таъсир этадиган, унинг ақлини тўсадиган, беркитадиган, бошқача қилиб айтганда, маст қиласидиган ҳар бир нарсага “ҳамр” дейилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида: “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳамрдир, ҳар бир ҳамр ҳаромдир”, дейилган.

Аллоҳ таоло бошқа оятда: “Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар. Ва шайтон изидан эргашманглар, чунки у сизларга очиқдушмандир” деб буюради (Бақара сураси, 168-оят).

Инсон мол-давлат топиб уни ҳаромга, хоссатан, наша чекиш, гиёхванд ва психотроп моддалар истеъмоли ёки зино каби ҳаром ишларга сарфласа, Аллоҳнинг неъматларига ношуқрлик қилган ва ўзини ҳалокатга ташлаган ҳисобланади!

Аллоҳ таоло бу ҳақда огоҳлантириб: “Ўз қўлларингиз билан ўзла-рингизни ҳалокатга ташламанг!” дейди (Бақара сураси, 195-оят).

Шунингдек, “Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир” деб марҳамат қиласи (Нисо сураси, 29-оят).

Бир киши ўз ўлимига ўзи сабабчи бўлса, “ўзини ўзи ўлдирди” дейилади. Шу сабаб уламолар: “Ушбу оятдан ўлимга сабаб бўладиган ҳар қандай нарсага бормаслик зарур экани келиб чиқади”, деганлар.

Шунингдек, гиёхванд моддаларнинг ҳаром эканига қўйидаги ҳадислар ҳам далил бўлишини таъкидлайдилар: “Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай маст қилувчи ва кучсизлантирувчи, бўшаштирувчи нарсадан қайтарганлар”.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким бу дунёда ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёматда ҳам унга ўша нарса билан азоб берилади”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Уламолар гиёхванд моддаларнинг барча тури энг ёмон нопок ва энг зарарли нарсаларга қиёс қилиб, юкоридаги оят ва ҳадислар асосида ҳаром бўлади, дейдилар.

Алоҳида таъкилаш керакки, гиёхванд моддаларни экиш, этиштириш, ишлаб чиқариш, сотиш, тарқатиш ва уни тарғиб қилиш ҳам истеъмол қилиш каби ҳаром эканига ва бундай кимсаларга шаръий жиҳатдан ҳам жазо тайинланишига фатво берилган.

## ГИЁХВАНДЛИКДАН ҚУТУЛИШ КУЧЛИ ИРОДА ВА МУСТАҲКАМ ИЙМОНГА БОҒЛИҚ

Гиёхвандликка чалинган беморларни даволаш жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Бунда кўплаб тиббиёт мутахассислари ва психологларнинг мashaққатли меҳнатлари талаб қилинади. Беморнинг оиласиий муносабатлари яхши бўлиб, тузалиш учун ўзидаги бутун маънавий қувватни сафарбар қилганда ва ён-атрофидагилар ҳам хайриҳоҳ бўлгандা даволаш самарали бўлиши мумкин.

## БУ ИЛЛАТГА БИРГАЛИҚДА КУРАШИШ ЛОЗИМ

Гиёхвандпикни бутунлай йўқотиш учун барчанинг, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, бўш вақтдан оқилона фойдаланиш, жисмоний тарбия ва турли фойдали тўгараклар билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, кўпроқ оила аъзолари, айниқса, ота-она назоратида бўлишларига эътибор бериш керак. Зоро, “Ёшларнинг бўш вақти – душманинг иш вақти” деб бежизга айтилмаган.

Таълим муассасаларида психолог, педагог, маъмурият ва жамоатчилик бу хавфли офатнинг олдини олиш билан жиддий шуғулланиш баробарида гиёхвандлик зарар ва оқибати аянчли эканидан доимий огоҳлантиришлари зарур. Беморлар билан бир қаторда соғлом одамларда ҳам гиёхванд моддаларга нисбатан нафратни ривожлантириш лозим.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ:

**246-модда.** Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг контрабандаси билан шуғулланиш **5 йилдан 20 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**251<sup>1</sup>-модда.** Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равища мумомалага киритиш **7 йилдан 10 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**270-модда.** Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равища экиш ёки етишириш **5 йилдан 10 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**273-модда.** Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равища тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошقا ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равища ўтказиш **10 йилдан 20 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**274-модда.** Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**276-модда.** Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошقا ҳаракатлар **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**ЁШЛАР ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ ВА УНУТМАНГ!  
БЎШ ВАҚТИНГИЗНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ  
ЭТИНГ ҲАМДА ДОИМИЙ СОҒЛОМ ТУРМУШ  
ТАРЗИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитасининг  
2023 йил 22 июнь санасидаги 03-07/4917-сонли хулосаси  
асосида нашрга тайёрланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси